

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 22-sentabr, payshanba,
110 (23.677)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Жамоани ҳамда дунёни аламзада ва ўртамиёна одамлар бузади. Аламзада ўчини олибгина таскин топади, ўртамиёна эса ўзидан кучлиларнинг оёғига осилади, ўзидан кучсиз, аросатдаги нодонларга "ақл" ўргатади.

## Йил якунига қадар 2270 гектар ер ижарага берилади

**Бу вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг шу йил 15 сентябрда қабул қилинган қарорида белгиланди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 сентябрдаги "Деҳқон хўжаликларни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорга кўра, жорий йил якунига қадар қўшимча **2270 гектар, 2023 йилда эса 7586 гектар** экин майдонлари очиқ ва шаффофликни таъминлаган ҳолда деҳқончилик кўникмаларига эга бўлган, шу жумладан, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолига ижарага берилади.

Сув таъминоти яхши бўлган ерлар камида **0,3 гектарга** ҳамда кам сувли ерларда камида **0,5 гектарга** тенг бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, очиқ электрон танловга қўйилади.

Мазкур майдонларга Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан, ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экилади. Бунда сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экишга алоҳида эътибор қаратилади.

Етиштирилган тайёр маҳсулотни харид қилиш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорларга йўналтиришга агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар жалб қилинади.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, **2022 йил бошида вилоятда 6303 гектар ер майдони фуқароларга ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилганди.**

## Вилоятда биносиз маҳалла қолмайди

**Вилоят ҳокими Э.Турдимов ва вилоят, туман, шаҳар сектор раҳбарлари, мутасаддилар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилган йиғилишда ана шундай қарорга келинди.**

Маълумотларга кўра, йил бошидан буён вилоятда 135 та маҳалла учун бино қурилиб, фойдаланишга топширилган. Айни пайтда 34 та маҳалла ўз биносига эга эмас. Лекин сентябрь ойида 20 та, йил якунигача яна йигирмадан ортиқ маҳалла учун бино қурилиб фойдаланишга топширилади.

– Йилнинг номланиши ва дастур талабларидан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни йил аввалида бошлагандик ва шу пайтгача маълум бир натижаларга эришдик, – деди Э.Турдимов. – Лекин учинчи чорак якунига етаётган бир пайтда 34 та маҳалланинг ҳалигача ўз биносига эга бўлмагани туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарларининг бу ишга сидқидилдан киришмаганидан далолат беради. Бино учун ер, маблағ масаласи ҳал қилиб берилмоқда. Гап раҳбарларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиб, маҳалла аҳли бошини бириктирган ҳолда ишларни ўз вақтида бажаришида қолмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинида ишловчи "бешлик"ка шароит қилиб берилса, ҳудуддаги кўп муаммоларга ечим топилади, маҳалла аҳолиси борадиган эшик пайдо бўлади. Шунинг учун 34 та маҳалланинг барчаси 8 декабрга қадар ўз биносига кўчиб ўтиши керак.

Эслатиб ўтамиз, вилоятимизда август ойида Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига 31 маҳалла биноси фойдаланишга топширилган эди.







## "ДУБАЙ – САМАРҚАНД"

### авиақатнови ҳар куни амалга оширилиши мумкин

**Бирлашган Араб Амирликлари flydubai авиакомпаниясининг "Дубай-Самарқанд" йўналиши бўйича биринчи авиапарвозни амалга оширган самолёти 21 сентябрь куни Самарқанд халқаро аэропортига келиб қўнди.**

Шу муносабат билан бугун Самарқанд шаҳрида flydubai авиакомпанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкорлари, Транспорт, Туризм ва маданий мерос вазирликлари масъуллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

– Бугун мамлакатимизда нафақат пойтахт, балки бошқа шаҳарларда ҳам хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри парвозларни йўлга қўйиш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири ўринбосари Ж.Чориев. – Жумладан, янгиланган Самарқанд халқаро аэропортининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадида хорижий авиакомпаниялар учун чекловлар олиб ташланиб, бешинчи даражадаги ҳаво эркинлиги жорий этилди. Бу мазкур аэропортга рейсларни кўпайтириш орқали сайёҳликни жадал ривожлантиришга катта ёрдам беради. Куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бизнинг вазирлигимизга ва бошқа идораларга аниқ топшириқлар берилди. Бирлашган Араб Амирликларининг flydubai авиакомпанияси жаҳондаги салоҳиятли авиаташувчилардан бири ҳисобланади. Мазкур компания авиапаркининг янгилиги, хизмат кўрсатиш сифати ва даражасининг юқорилиги ва юздан ортиқ йўналишларда парвозларни амалга ошириши у билан ҳамкорлик истиқболларини белгилайди. Шу боис мазкур компания бугундан Дубай ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида мунтазам қатновларни йўлга қўйди.

Flydubai авиакомпаниясининг бош директори Гейт Аль Гейт "Дубай-Самарқанд" йўналиши БАА ва Ўзбекистонда талаб юқори бўлган муҳим сайёҳлик йўналишларидан бўлишини таъкидлаб, унинг истиқболига ишонишини таъкидлади. Шу сабабли ҳозирча ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари, октябрь ойининг якунидан эса тўрт марта парвозларни амалга ошириш, келгусида эса ҳар куни қатновни йўлга қўйиш режалаштирилаётганини маълум қилди.

Компания раҳбари Ўзбекистон шаҳарлари билан авиақатновлар самарали бўлишини алоҳида қайд этган ҳолда 24 сентябдан "Дубай – Наманган" йўналишида ҳам парвозлар амалга оширилишини маълум қилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Нусратилла Зикриллаев, "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Раъно Жўраева, шунингдек, flydubai авиакомпанияси вакиллари мазкур янги йўналиш юртимизда туризмни ривожлантириш билан бирга Ўзбекистонни Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлаш, шунингдек, дунёнинг турли минтақаларига транзит парвозларни амалга оширишга ёрдам беришини таъкидлади.

Flydubai авиакомпанияси томонидан айни пайтда ҳар ҳафта юздан ортиқ йўналиш бўйича 1200 дан ортиқ авиақатнов йўлга қўйилган. Компания энг сўнгги русумдаги ҳаво кемаларидан фойдаланади ҳамда хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш сифати бўйича юқори натижаларга эга авиаташувчи ҳисобланади.

## КУЧЛИ ҒОЯ ВА ЭЗГУ МАҚСАД

### давлат ва халқнинг якдиллиги, ҳамжиҳатлигини таъминламоқда

**Бу хулосани мақола индаллосида бежиз келтирмадим. Ҳар қандай жамиятда ўз фуқаролари орзу-умидини англаб етган, дунё майдонида ана шу эзгу ниятлар, мақсадлар рўёби йўлида уларни кучли ғоя остида бирлаштира олган давлатгина қудратли бўлади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтган навбатдаги саммити якунлари Ўзбекистонда бу борада муайян тажриба тўпланганини кўрсатди.**

**Биз ана шу ҳолатларни нималарда кузатишимиз мумкин?**

**Биринчидан**, Ўзбекистонда ривожланишнинг эволюцион йўли, яъни Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш йўли ҳаётимиздаги муаммоларни изчил ҳал этиш, давлатчилик тизимини мустаҳкамлаб боришга имкон яратяпти.

**Иккинчидан**, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликка интилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш экспорт салоҳиятмизни оширмоқда.

**Учинчидан**, бюджет харажатларининг ижтимоий соҳага, ижтимоий ҳимояга йўналтирилиши, хусусан, фан, таълим-тарбиянинг қўллаб-қувватланиши ижтимоий муҳитга жўшқинлик бағишлаяпти.

**Тўртинчидан**, тадбиркорликка кенг йўл очиш, ишбилармонни ҳимоя қилиш одамларнинг ўз ҳаётини фаровон қилишга интилишини кучайтиряпти.

**Бешинчидан**, саммитга тайёргарлик мамлакатда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида амалга оширилди. Яъни, бунда энг аввало, халқ манфаати, ҳаётимиз фаровонлигини ошириш, Самарқандни халқаро сайёҳликнинг хабига айлантириш мақсади биринчи ўринга қўйилди.

Ўзбекистондаги ана шу очиқ сиёсат ШҲТ давлат раҳбарларининг бу галги саммитга катта иштиёқ билан келишини таъминлади. Негаки, улар глобаллашув шароитида, дунёда қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда бу саммитдан ўз давлатлари учун манфаат кўришга ишондилар. ШҲТнинг Самарқанд саммити дунё ҳамжамиятига фақат ҳамкорлик, самимий рақобат ҳар бир мамлакат тараққиётини таъминлашини яна бир карра исботлади.

Айнан шунинг учун ҳам саммит кутилган натижани берди. Бинобарин, барча давлат раҳбарлари ўз юрти манфаатини кўзлаган ҳолда бу ҳамкорлик ташкилоти сафида янги марраларга эришиш режа ва таклифи билан келди.

Тасаввур қилинг, биргина "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон", шунингдек, "Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли қурилиши бир нечта мамлакатларнинг, Евроосиё минтақасининг ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистон ўртага ташлаган 50 дан ортиқ таклиф ва ғояларнинг ҳар бири томонларнинг манфаатларига мос келди ва ҳаракат учун қабул қилинди.

Яна бир фикрни айтиш керакки, ШҲТ саммитига тайёргарлик жараёни халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон қудратини намойиш этди. Булар бир йил давомида ташкилот аъзолари бўлган давлатлар билан мураккаб келишувлар, лойиҳалар муҳокамаси, янги аъзо ва кузатувчи давлатларни расмийлаштиришгина эмас, балки саммит ўтиши учун жой ва шароитни тайёрлаш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу иш Тараққиёт стратегияси лойиҳалари билан баравар амалга оширилди. Шу сабабли Самарқандда қисқа муддатда "Буюк ипак йўли" сайёҳлик шаҳарчаси бунёд этилди. Ундаги иншоотларда қадимийлик, тарихийлик баробарида замонавий иншоотсозлик ва сайёҳликнинг барча талаблари ўз аксини топди.

Масаланинг яна бир томони бу – халқимизнинг бундай тадбирларга катта иштиёқ билан тайёргарлик кўриши. Мисол учун, кейинги икки йил ичида Конигил қишлоғида, қарийб икки километр келадиган Сиёб ариғи бўйида сайёҳлик маркази барпо этилди. 20 дан зиёд янги меҳмонхоналар қурилди. Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдуллоҳ Рудакий кўчаларида иккала машҳур алломалар номи билан майдончалар, Университет хиёбонида Конфуций майдони яратилди. Маърифатпарвар жадидлар – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализода, буюк оқинлар – Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли уй-музейлари таъмирланди. Тарихий биноларда иккита музей очилди. Ўнлаб обидаларда зиёрат қилиш учун шароитлар яхшиланди. Кўчалар, йўллар кенгайтирилди, ободонлашди, айниқса, шаҳар кўчалари гулларга бурканди. Сайёҳларга хизмат кўрсатишда янги, замонавий талаблар жорий этилди. Буларнинг барчаси вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилик кучи билан амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда ШҲТ саммитининг муваффақиятли ўтиши ва кўзланган мақсадга эришилиши жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон қудратини яна бир карра намойиш этди. Давлатимиз раҳбари "Буюк ипак йўли" сайёҳлик маркази ва "Боқий шаҳар" мажмуаси очилишидаги нутқида таъкидлаганидек, энди биз ўз кучимизга ишондик ва бундай улуғ иншоот ва марказларни юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам яратамиз.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**






## ЯНГИ ТУРИЗМ МАРКАЗИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

**Яқинда Туркияда яшайдиган қариндошим қўнғироқ қилиб, Самарқанд шаҳридаги ўзгаришлар, "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази ва унинг ҳудудидаги "Боқий шаҳар" ҳақида сўраб қолди. Бу ердаги янгиликлар ҳақида унга фахрланиб гапириб бердим. Аввало, ўзи, қолаверса, унинг туркиялик дўстлари, ҳамкасблари бу мажмуани томоша қилишни орзу қилаётганини айтди.**



Дарҳақиқат, айни кунларда дунё эътиборига тушган сайёҳлик мажмуаси одамлар билан гавжум. Айниқса, кечки пайт ўн минглаб юртдошларимиз, хорижлик сайёҳлар "Боқий шаҳар" мажмуаси ва мусиқали фаввораи томоша қилиш учун боряпти.

- Наманган вилоятининг Учқўрғон туманиданман, - дейди Лолахон Исматуллаева. – Самарқандда янги бунёд этилган туризм марказини томоша қилиш учун оиламиз билан келдик. Жуда чиройли дам олиш маскани бўлибди. "Боқий шаҳар" мажмуасини томоша қилсангиз, нафақат Самарқанд, балки юртимизни айланиб чиққандек бўласиз. Бу ҳудудни пиёда кезган киши ўзини туризм ривожланган мамлакатларнинг гўзал шаҳарларида юргандек ҳис қилади.

Маълумот ўрнида, "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази эшиклари барча учун очиқ. Мажмуага кириш бепул.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).**

**Бугун Самарқанд шаҳрида сузиш бўйича Х Осиё чемпионати бошланади.**

# ИШ ТОПИБ БЕРОЛМАГАН БАНДЛИК МАРКАЗИ

## фуқарога ишсизлик нафақаси тўлаши керак, аммо...

**Яқинда ўзимга ўзим “Етар шунча олий маълумотли уй бекаси бўлганинг, болалар ҳам катта бўлиб қолди, энди ишлаш керак”, дедим-у, иш излашга тушдим. Афсуски, иш топиш мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Мана, неча ойдан бери ишга кириш ҳаракатидаман. Аммо ҳали-ҳануз бирор натижага эришганим йўқ. Қаерга мурожаат қилсам, туман бандликка кўмаклашиш марказига рўбару қилишади. Бу марказга бора-кела қанча одамлар мен каби сарсон бўлаётганини кўрдим. Марказдагилар шу даражада совуққон ва қўполки, олдида гапингизни йўқотиб қўясиз.**

Ўтган йилнинг ёзида Пайариқ тумани бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб бордим. Аслида бу марказга мурожаат қилмоқчи эмасдим. Мен “портал”га иш сўраб мурожаат қилган эдим. Афсуски, улар шу марказга юклашибди. Хуллас, туман ва вилоят ҳокимлиги ҳам мурожаатларимни туман бандликка кўмаклашиш марказига жўнатишди. Менга эса ҳар доимгидек мутахассислигим бўйича иш йўқлигини айтишди. Уч-тўрт варақ вакансияни олдимга қўйишади ва шу иш ўринларидан мосини танлашимни тавсия қилишади. Моси бўлмаса, секингина елка қисиб қўйишади. Гўёки, шу билан вазифаларини аъло даражада бажаришгандек. Яна тушунтириш хати ҳам ёздириб олади. Мазмуни тахминан бундай: “Ростдан ҳам маҳалла ва бандликка кўмаклашиш маркази менга бўш иш ўринлари таклиф қилди. Аммо менинг мутахассислигимга мос иш йўқлиги учун ишга жойлаша олмадим. Эътирозим йўқ”.

Бу нима деган гап. Бу, одамни ўз ёғига ўзини қовуриш билан баробар эмасми? Шу ўринда саволлар туғилади. Бу марказ шу даражада аҳамиятли экан, нега оддий аҳолига умуман нафи тегмаяпти? Аслида уларнинг фаолияти нимадан иборат? Фақат вакансия қоғозини келган-кетган одамга кўрсатишдан иборатми? Иш берувчи ташкилот иш сўраб борувчини ишга оладими? Бунинг шу бандликка кўмаклашиш марказларига аҳамияти борми, йўқми? Агар қабул қилишмаса, умуман, менга ўхшаб соҳасига мос иш ўрни бўлмаса, яна қандай таклиф ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга?

Конституцион ҳуқуқимга кўра, шу каби саволларимга жавоб олиш мақсадида бир неча бор марказ раҳбари билан учрашишга ҳаракат қилдим, аммо бунинг иложи бўлмади. Шундан сўнг интернет материаллари асосида бандликка кўмаклашиш марказлари ҳақидаги маълумотлар, қарорлар, қонунлар билан танишиб чиқишга ҳаракат қилдим. Аслида иш сўраб борувчи иш сўраб борган кундан бошлаб “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ белгиланган тартибга асосан ишсиз деб рўйхатга олиниши ва белгиланган тартибда ишсизлик нафақаси тўланиши лозим экан. Шунингдек, мен каби мурожаатчиларга ҳақиқатдан мутахассислиги бўйича бўш иш ўринлари бўлмаса, мурожаат қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан меҳнат органлари томонидан ишсиз, деб эътироф этилиб, рўйхатга олиниши лозим, дейилган. Энди яна бир эътироз. Мен неча маротаба марказга мурожаат қилган бўлсам, мени ёзма равишда рўйхатдан ўтказишмаган. Бу ўринда ким айбдор – ёзма равишда ариза бериш кераклигини билмаган, яъни ҳуқуқини билмаган менми ёки мурожаат қилувчининг қандай имтиёзлари ва имкониятлари борлигини тушунтирмаган марказ мутахассисларими?

**Мутасаддилар эътиборига!**

Белгиланган тартибда ишсизлик маоши тайинлангандан сўнг фуқаро ҳар икки ҳафтада бўш иш ўринлари билан таништириб борилиши лозим, дейилган. Тайинланган ишсизлик маошининг миқдори оширилиши эса иш сўровчининг қайта малака ошириши, ўз устида ишлаши, қайсидир ўқув муассасаларида ўқиши учун ижтимоий кўмакдир. Аммо бу каби имтиёз ва эътибор оддий халққача етиб келмаёгани аччиқ ҳақиқат. Катта-катта ташкилот ва марказлар тузилиб, ишчи гуруҳлар ташкиллаштирилиб, унга давлат миқёсида катта имкониятлар ва ишонч берилса-ю, натижаси нолга тенг бўлса...

Бу каби ҳолатларга биз каби оддий инсонлар ечим топмоғи анчайин мушкул масала, шундай эмасми?

**Нилуфар НАЗАРОВА,**
**Пайариқ тумани Сарбозор маҳалласи.**

**Бизнинг суҳбат**



**Хабарингиз бор, жорий йилнинг 29 июнь куни “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда “снос” муаммосига тўлиқ барҳам беришни назарда тутувчи қатор нормалар белгиланган. Хўш, бу нормалар қандай ишлайди? Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Озод Шодиқулов билан суҳбатимиз мазкур қонуннинг муҳим жиҳатлари, мақсади ва ижро тартиби ҳақида бўлди.**

# Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби қандай?

**– Озод ака, ушбу мавзуда аҳолидан кўплаб мурожаатлар бўлмоқда ва саволларим шулар билан боғлиқ. Айтинг-чи, қандай ҳолатларда ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш мумкин?**

– Янги қабул қилинган қонунда бу борадаги аниқ шартлар кўрсатилган. Яъни, мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ер бериш, халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, фойдали қазилмалар конларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари мустасно), республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ҳамда авиатехника марказларини қуриш (реконструкция қилиш) шулар жумласидандир.

Шунингдек, давлат инвестиция дастурларида кўрсатилган давлат таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳамда иншоотларини марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуриш назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу амалиёт қўлланилади. Таъкидлаш керакки, ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш қатъиян тақиқланган.

**– Мулкдорнинг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарларини компенсация қилиш ҳақида маълумот берсангиз.**

– Қонунга асосан, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг бозор қиймати, олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга бўлган ижара ҳуқуқи мустасно), олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати, кўчиш харажатлари ва зарарлари компенсация қилинади. Бу рўйхатга бошқа кўчмас мулкни вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулкдан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда ва ҳуқуқ эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажат ва зарарлари ҳам киради.

Агар ер участкаси олиб қўйилганлиги муносабати билан ҳуқуқ эгасига ноқулайликлар келтириб чиқарилган тақдирда, компенсация сифатида ер участкасида жойлашган кўчмас мулк бозор қийматининг 5 фоизи миқдорида бир марталик тўлов амалга оширилади. Қонунчиликка мувофиқ, ҳуқуқ эгасига тегишли бўлган, олиб қўйилган ерда ўзбошимчалик билан қурилган тураржой (яшаш учун мўлжалланмаган жой), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг бозор қиймати ҳам тўлиқ ҳажмда қопланиши мумкин.

**– Айтайлик, бир уйда узоқ йиллардан буён узлуксиз ижара асосида яшаётган шахс ушбу тураржой учун солиқларни тўлаб келмоқда. Бу уй “снос”га тушадиган бўлса, ижарачи ҳам қандайдир ҳуқуқларга эга бўладими?**

– Албатта. Тураржойга нисбатан ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ушбу тураржойга 15 йил мобайнида худди ўз мулкидек ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахсларга ушбу кўчмас мулк объектлари учун солиқлар тўлаб келинганлиги тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объектлари қийматининг ўрни қопланади. Биламизки, ушбу 15 йил қонунчиликка кўра, эгалик қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи муддат ҳисобланади.

**– Ҳуқуқ эгаси келишувдан кейин вафот этса-чи?**

– Ҳуқуқ эгаси келишув тузилганидан кейин вафот этган тақдирда, келишув бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг меросхўрларига меросдаги ўз улушларига мутаносиб равишда ўтади. Ҳуқуқ эгаси келишув тузилгунига қадар вафот этган тақдирда, келишув тузиш билан боғлиқ музокаралар унинг меросхўрлари билан умумий асосларда ўтказилади. Меросхўрларнинг таркиби ва улардан ҳар бирининг меросдаги улуши меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида, низо юзага келган тақдирда эса суд томонидан белгиланади.

**– Бериладиган компенсация турлари ҳақида маълумот берсангиз.**

– Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пул маблағлари, шу жумладан, тураржойни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари, бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш ҳамда келишувда назарда тутилган бошқа манбалар компенсация турларига киради.

**– Қонунда бир маҳалла ёки бир кўчада яшовчилар учун ҳам имтиёз белгиланганми?**

– Қонунда битта маҳалла ёки битта кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзоларига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, маданий қадриятларни сақлаб қолиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, битта кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзоларининг хоҳишига кўра, уларга битта маҳаллада ёки кўчада жойлашган янги уйлар, яъни битта кўп квартирали уйдаги квартиралар берилиши мумкин.

**– Мулк эгаси ўзи яшаб турган ҳудуддан эмас, бошқа туман ёки шаҳарда жойлашган тураржойдаги квартиралардан ҳам танлаш ҳуқуқига эгами?**

– Кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра, ҳуқуқ эгасига қоида тариқасида ўша туман ё шаҳарда ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра, бошқа туман ёки шаҳарда жойлашган, майдони уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли тураржой (квартира) мулк қилиб берилиши мумкин. Ҳуқуқ эгасининг хоҳишига кўра, тураржой олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган кўп квартирали уйдан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳуқуқ эгасига ушбу тураржой топшириладиган пайтга қадар унга ва унинг оила аъзоларига ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан бошқа барча қулайликлари бўлган тураржой вақтинчалик ижарага берилади.

Ҳуқуқ эгасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаси олиб қўйилганда, ҳуқуқ эгасига ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматига тенг миқдорда пул маблағи тўланади.

**– Кўпчиликни қизиқтирган савол: компенсация тўлашда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган тураржойда рўйхатда турувчилар сони инобатга олинадими?**

– Агар олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган тураржойнинг ўрнига компенсация сифатида бошқа тураржой берилса, олиб қўйиш тартиб-таомили бошлангунига қадар рўйхатдан ўтказилган ва ҳақиқатда яшаётган шахслар сони инобатга олинади. Лекин амалда яшаб турган шахслар сонининг никоҳ тузилганда, фарзанд туғилганда, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун оилага – фарзандликка, васийликка, ҳомийликка ёки тутинган оилага берилиши ҳисобидан ошиши ҳоллари бундан мустасно ҳисобланади.

**Мансур ҲАСАНОВ**
**суҳбатлашди.**

# РЕАБИЛИТОЛОГИЯ ВА СПОРТ ТИББИЁТИ –

## ЗАМОНАВИЙ МЕДИЦИНАНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

**Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрелдаги қарори билан қарийб бир асрлик тарихга эга Самарқанд давлат тиббиёт институти Самарқанд давлат тиббиёт университети этиб қайта ташкил этилди.**



Қарорда муассасада юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, ҳудуд аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар қаторида реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш белгиланган. Шу мақсадда Самарқанд тумани Ўрташиқ қишлоғида жойлашган вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси негизида университет ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш қайд этилганди.

– Ушбу институтнинг ташкил этилиши бугун мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси, қолаверса, жамият ҳаётида реабилитология ва спорт тиббиётининг долзарб масалалари вужудга келаётгани билан боғлиқ, – дейди Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори Жасур Ризаев. – Муассаса ўз йўналиши бўйича даволаш-профилактика ва илмий-услубий фаолият олиб борувчи ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи ташкилот бўлади. Замонавий талаблар ва стандартлар асосида диагностика ҳамда даволашнинг янги самарали услубларини ишлаб чиқади ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этади. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва беморларни даволаш шакллари ва метод-



ларини такомиллаштиради, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширади. Жумладан, ички аъзолари, юрак-қон томир, асаб ва таянч-ҳаракат тизимларида касаллик ва турли жароҳат асоратлари мавжуд, ногиронлиги бўлган шахсларда реабилитация қилишнинг индивидуал дастурларига мувофиқ тиббий, ижтимоий-касбий, ижтимоий, психологик ва касбий реабилитация тадбирлари амалга оширилади. Бунда хорижий давлатлар тажрибаси, замонавий технологиялар, иш услубларидан фойдаланилади. Бу борада университетимизнинг хорижий давлатлардаги ҳамкор олий таълим муассасалари ва тиббий марказлари билан биргаликда иш олиб борилади.

Шу пайтгача мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари, реабилитация марказларида асосан ногиронлик ва ногиронликка олиб келувчи хасталикларни даволаш, унинг асоратларини камайтиришга кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда. Янги илмий-тадқиқот институтимизда ногиронликни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни илмий асосда ўрганиш, эрта аниқлаш чоралари кўрилади. Бу орқали юзага келиши мумкин бўлган ногиронлик ҳолатларининг олдини олиш, аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ошириш ва пировардида мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшиш мумкин.

Спорт тиббиёти соҳасида ҳам пойтахтимизда, шу тизимга тегишли айрим муассасаларда маълум бир тадқиқотлар, амалий ишлар олиб борилаётган бўлса-да, айни чоғда мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини ошириш ва кенг ривожлантиришга қаратилган эътибор билан қиёслаганда, бу ишларимиз етарли эмас. Шу жиҳатдан янги институт спорт турларидан келиб чиққан ҳолда юзага келиши мумкин бўлган патологияни даволаш ва олдини олишнинг илғор услубларини, спортчиларнинг тиббий назоратини ҳисобга олган ҳолда уларнинг функционал аҳволини диагностика ва коррекция қилиш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, спортчиларга тиббий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутади. Бу йўналишда институт томонидан ҳар бир спорт тури бўйича спортчиларни тайёрлашнинг якка тартибдаги дастурлари ишлаб чиқилади. Спортчиларнинг физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, овқатланиш рационидан бошлаб қайси даврда қандай дори воситаларини ёки тиббий муолажаларни қабул қилишигача таҳлил этилган ҳолда бунга илмий ёндашилади. Спорт жароҳатлари, патологиялари ва турли хил синдромларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш чораларини кўрамиз.

Бугун дунё миқёсида спортдаги допинг масаласи, спортчиларнинг турли дори воситаларини қабул қилиши энг муаммоли масалалардан бири бўлиб турибди. Айрим спортчилар бундай воситаларни атайлаб қабул қилса, баъзилари билиб-билмай истеъмол қилиши мумкин. Яна айрим озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида келгусида допинг келиб чиқишига асос бўлувчи моддалар учрайди. Айнан шу каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳам янги ташкил этилаётган институт мамлакатимиз спортчилари ва мураббийларига ёрдам беради.

Умуман, Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйишда шу ва бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Бу борада хорижий тажрибани ўргандик.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шаҳардан четда, яъни Самарқанд туманидаги Ўрташиқ қишлоғида, баҳаво жойда ташкил этилган ва кейинги йилларда вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси сифатида фаолият олиб борган 50 ўринли муассасада айни пайтда стационар бўлим, физиотерапия, неврология ва бошқа бўлимлар мавжуд. Невропатолог, терапевт, травматолог-ортопед сингари элликдан ортиқ малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқда.

– Кейинги йилларда муассасамиз салоҳиятини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди, – дейди Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти директори вазифасини бажарувчи Фарҳод Ботиров. – Бунда Самарқанд давлат тиббиёт университети билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ижобий натижа берди. Шифохонада 2020 йилда университетнинг Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг фаолият олиб бориши терапевтик, неврологик, травматологик-ортопедик хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширди. Шунингдек, илмий салоҳиятимиз ошди. Шифохона негизида Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилиши эса фаолиятимизни тубдан такомиллаштириш ва янгича асосда иш олиб боришга катта туртки бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, университет раҳбарияти томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, институт базасида Самарқанд давлат университетининг тиббий реабилитация ва спорт тиббиёти ва халқ табобати кафедрасининг иш фаолияти ошиб бормоқда ҳамда травматология ва ортопедия кафедралари ташкил этилмоқда. Шунингдек, янги очилаётган клиник психология ҳамда биоинженерия ва тиббий технологиялар таълим йўналишлари фаолияти институт билан интеграция қилинади. Келгуси уч



йил давомида институтнинг моддий-техника базаси яхшиланиб, бино ва иншоотлари капитал таъмирланади. Кичик ортопедик операцияларни амалга оширишга мўлжалланган операцион блок ва замонавий лаборатория ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун янги институтнинг фаолиятини янгича асосда йўлга қўйиш учун амалий ишлар бошланган ва бу яқин орада ўз натижасини бериши, шубҳасиз.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.**



Сўранг, жавоб берамиз

# 1 миллиард сўм айланмаси бўлган тадбиркор

## тураржой билан шартнома тузса бўладими?

**- Жорий йилнинг апрель ойидан ташқи дебиторлик қарзи бўйича бир йил муддатга жарима қўлланилмаслиги тўғрими?**

- Ушбу енгиллик барча корхоналарга тегишли эмас. Украинада нотинч вазият бўлгани учун республика ҳукуматининг тегишли топшириғига асосан, йил якунига қадар Россия, Украина ва Беларусь давлатлари билан ишлаётган корхоналарга дебитор қарздорлиги учун жарима қўлламаслик вазифаси белгиланган.

**- Корхонамиз минерал ўғитлар чакана савдоси билан шуғулланади. Банк айланмамиз бир миллиард сўмга яқинлашди. Савдо дўконимиз тураржойда жойлашган. ҚҚСга ўтсак, тураржой билан ижара шартнома қилсак бўладими ёки нотураржой бўлиши шартми?**

- Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунига асосан, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойдир.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. Бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромадингиз бир миллиард сўмдан ошган тақдирда, умумбелгиланган солиқ режимида ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтилса ҳам тадбиркорлик субъектининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгармайди. Яъни, оилавий корхона бўлиб қолаверади. Шунга кўра, нотураржойга айлантириш талаб қилинмайди.

**- Корхонамиз маҳсулотини чет элга экспорт қилган. Ҳозирги кунда инопартнёр дебитор қарздорликни тўлиқ кўчириб беролмаяпти. Мазкур ҳолатнинг оқибати қандай бўлиши мумкин?**

- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағларини қайтариш ёки сотиш контракти бўйича пул маблағларининг келиб тушиши сотиб олиш контракти бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ошмаслиги керак. Бунда сотиш контракти бўйича келиб тушган пул маблағларининг миқдори сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағлари миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Ушбу муддатда қайтарилмаган ёки белгиланган миқдорда келиб тушмаган валюта маблағлари муддати ўтган дебитор қарздорлик сифатида қаралади. 180 кундан кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда, 180 кундан 365 кунгача кечикканда – 20 фоизга, 365 кундан ортиқ кечикканда – 70 фоизга тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўланади.

**- Товарни чакана сотиб, нақд пул онлайн назорат-касса машинасига киритилса ва харидорга чек берилса, электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилиши керакми?**

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 47-моддасига кўра, товарларни (хизматларни) реализация қилиш чоғида агар сотувчи харидорга онлайн назорат-касса машинаси чеки ёки белгиланган шаклдаги бошқа ҳужжатни берса, электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилиши шарт эмас.

**Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод САЛИЕВ жавоб берди.**

**Президентимизнинг 2022 йил 25 апрелдаги “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ирсий касаллиги мавжуд бемор болаларга дори-дармон учун йилига 110 миллиард сўм ажратилади.**

# Чақалоқ туғилмасдан ирсий касаллиги аниқланади



Ирсий касалликлардан бири ҳисобланган муковисцидоз касаллигига чалинган болалар йиллаб бронхит ёки ошқозон-ичак тизимини даволашда қийналади. Бир йилда кўп маротаба даволанадиган болалар генетик касалликларга текширилса ва муковисцидоз касаллиги тасдиқланса, уларга давлат бюджетидан 34,9 миллиард сўмлик орфан дори воситалари (Дорназа-альфа) ва 15,1 миллиард сўмлик махсус озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилади. Шунингдек, эндиликда гепатит С вируси аниқланган беморлар ҳам давлат томонидан бепул дори-дармон билан таъминланади.

Ургут туманида яқин қариндошлар никоҳи мавжудлиги ва ирсий касалликлар бўлган беморлар кўрсаткичи ҳар 800 тадан 10 кишига тўғри келишини инобатга олган ҳолда ҳудудда генетик лаборатория ташкил этиш тавсияси берилди. Чунки туманда рўйхатда турган ногирон болалар 2244 тани ташкил қилиб, 670 нафари ирсий неврологик, 118 нафари туғма юрак нуқсони, 457 нафари ортопедик касалликка чалинган. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 1,039 миллиард сўмлик грант асосида Ургут тумани инновацион ҳудудида замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ирсий касалликларни эрта аниқлаш учун молекуляр генетикага асосланган замонавий инновацион лаборатория ташкиллаштириш мақсадида стартап лойиҳа ишга туширилди. Лаборатория неврологик, эндокрин, буйрак, суяк-бўғим, қон касалликлари, онкологик хасталикларга эрта ва аниқ ташхис қўйишга мўлжалланган. Яна бу ерда узоқ йиллар мобайнида тўғри ташхис қўйилмай, бесамар даволаниб келаётган беморларга генетик анализ орқали ташхис қўйилади. Масалан, спинал мушак атрофияси кам учрайдиган генетик касаллик ҳисобланади. Янги туғилган чақалоқларга қанча эрта ташхис қўйилса, даволаш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Бундан ташқари, никоҳланувчилар кариотиплаш текширувидан ўтказилади ва бу уларнинг бирор касаллик ташувчанлигини аниқлаш имконини беради.

Лойиҳа учун Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудидан молекуляр генетик лаборатория учун 4 та хона ажратилди. Ушбу лаборатория юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозланди. Ҳозир тумандаги “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

**А.НАРБАЕВ,**
**Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ургут инновацион ҳудуди бўйича масъули.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Оқдарё туманидаги “Universal Supply Service 2022” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 309241571) ўз устав фондини 1 000 000 000 (бир миллиард) сўмдан 500 000 (беш юз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Й.Охунбобоев кўчаси, 92-уй.**

* * *

Ургут туманидаги “ROYAL ALUMINIUM” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306872295) ўз устав фондини 5 660 731 266 (беш миллиард олти юз олтмиш миллион етти юз ўттиз бир минг икки юз олтмиш олти) сўмдан 4 855 731 266 (тўрт миллиард саккиз юз эллик беш миллион етти юз ўттиз бир минг икки юз олтмиш олти) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди, Мерганча массиви.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Исламов Ашрафга (2022 йил 13 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

* * *

Нарпай туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Пардаев Меҳриддин Муҳиддин ўғли нотариал идорасида марҳум Бекназаров Юсуп Бобоназаровичга (2020 йил 15 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пардаев Меҳриддин Муҳиддин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Нарпай тумани Амир Темур кўчаси.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Онорбоев Ғанишер Абдурашидовичга (2022 йил 28 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасида марҳум Зиёев Тожимурот Ғофуровичга (2001 йил 18 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Зияева Халичага (2021 йил 24 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Рустамов Хамракулга (2015 йил 17 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Симдянкина Любов Дмитриевнага (2021 йил 12 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.**

***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хамрокулов Аминга (2013 йил 17 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Турсунова Саломат Уроқовнага (2019 йил 15 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Багирова Хакимага (2021 йил 8 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Жамуратов Алига (2022 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Шарифов Мирвафо Шарифовичга (2021 йил 9 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Қурбонов Эшпўлатга (1996 йил 26 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 110-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Тошов Туйчи Эгамқуловичга (2017 йил 29 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Худойкулов Фазлиддин Хакбердиевичга (2022 йил 7 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Баҳриддин Маҳамат ўғлига (2020 йил 13 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Тарасов Александр Юрьевичга (2017 йил 8 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдод кўчаси, 1-уй, 3-хона.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Рахимов Вохабжонга (2021 йил 14 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.**

## ДОКТОРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

**Ветеринария илмий-тадқиқот институти танлов асосида 2023 йил учун таянч докторантура (PhD) ва мустақил изланувчилик-ка (PhD) ўқишга қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:**

**Таянч докторантурага:**
*03.00.06 – Зоология;*
*16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;*
*16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси.*

**Мустақил изланувчиликка:**
*03.00.06 – Зоология;*
*16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;*
*16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси;*
*16.00.04 – Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси, экологияси, зоологияси ва ветеринар-санитария экспертизаси.*

**Талабгорларнинг тақдим этадиган ҳужжатлари рўйхати:**
*- институт раҳбари номига ариза;*
*- маълумотнома (объективка - намуна 3,5 шакл бўйича ўзбекча ва русча шаклда);*
*- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*
*- олий таълим муассасасини тугатганлиги тўғрисида (бакалавр ва магистратура) диплом нусхалари;*
*- кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган сўровнома (таржимаи ҳоли билан);*
*- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва нусхалари (камида 1 та мақола ва 2 та тезис);*
*- илмий раҳбар (консультант)нинг ёзма розилиги;*
*- паспорт нусхаси;*
*- 4 дона 3х4 см. ўлчамдаги фотосурат;*
*- иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчилар учун);*
*- “IELTS”, “TOEFL” ёки бошқа тан олинган сертификатлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли қарорига асосан).*

Барча ҳужжатлар шу йилнинг 15 октябригача “pdf” шаклида тайёрланиб. Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи ягона электрон тизим (**http://phd.mininnovation.uz**) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда юборилади ва қабул қилинади.

**МАНЗИЛ: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси. Маълумот учун телефонлар: +99897-910-56-27, +99899-590-51-42.**

**Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали ўқитувчи лавозимига танлов асосида**

## ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

*- жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига;*
*- спорт психологияси, ижтимоий-табиий фанлар кафедрасига.*

Танловда иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: филиал директори номига ариза, яшаш жойи кўрсатилган паспорт нусхаси, кадрларни қайд қилиш шахсий варақаси, олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси. Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини, малака ошириш ҳақидаги сертификатлар.

**ЭСЛАТМА: Танловда иштирок этиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота кўчаси, 13-“А” уй.**
**Телефонлар: (66) 236-21-28, (93) 357-74-95.**
**e-mail: minsport_markaz_sf@umail.uz**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказидан 2016 йилда Хуррамова Сафия Аброрқуловна номига берилган рўйхат рақами 1428, QT № 014887 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд автомобилсозлик коллежидан 2016 йилда Нуралиев Нодир Обиджонович номига берилган рўйхат рақами 509, К № 4251489 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Журақулова Мохичехра Бахтиёр қизи номига берилган рўйхат рақами 333, К № 5575115 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти академик лицейидан 2021 йилда Ўроқбоев Товбой Ўроқбой ўғли номига берилган рўйхат рақами 87, L № 0043337 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги “SAMVINPROMTORG” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 301354286) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Самарқанд шаҳар “Сиёб” адвокатлар ҳайъати адвокати Абдужалилова Мастурага Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2018 йил 24 декабрда берилган 42 рақамли хизмат гувоҳномаси Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99891-555-87-68.**

* * *

Паст Дарғом туманидаги “SAMARQAND PAXTA TRANS” масъулияти чекланган жамиятига қарашли давлат рақами 372 CA 30 бўлган “МТЗ-80” русумли тракторнинг ТТР № 083767 рақамли техник паспорти ва давлат рақами 090 ВА 30 бўлган “2 ПТС 4793” русумли трактор тиркамасининг ТТР № 083785 рақамли техник паспорти Паст Дарғом тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99890-602-72-27.**

* * *

Ҳарбий хизматчи Жононов Жахонгир Акмал ўғлининг ҳарбий гувоҳномаси (С № 0146713) Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99891-250-40-55.**

Мулоҳаза учун мавзу

**Инсон борки, бадавлат бўлишни хоҳлайди. Лекин дунёдаги саноқли инсонларгагина жуда бой бўлиш насиб этган. Ёзувчи ва бизнесмен Бодо Шифер "Бойлик инсон туғилганда унга эга бўлиш ҳуқуқи билан дунёга келади", деган фикрни билдиради. Нега унда ер сайёрасидаги аҳолининг барчаси бадавлат эмас, дунёдаги бойликнинг 85 фоизи бор-йўғи бир фоиз бойларнинг қўлида тўпланган. Ўйлаб кўрилса, ўша бойлар ҳам оддий одамлар, аксариятининг имкониятлари ҳам бирдек. Аммо уларнинг ютуғи катта меросга эга бўлгани ёки кутилмаган хазина топиб олгани эмас, балки машаққатлардан толмасдан излангани, ҳаракат қилгани, мағлубият ортидан муваффақият келишига ишонганидир. Биз ҳавас қиладиган дунё бойлари тарихини ўргансангиз улар ёшлигида катта қийинчиликларга учрагани, иш бошлашда кўп тўсиқларга дуч келганини кўрамиз. Лекин улар ўша муаммоларга ечим топган, қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадига эришган.**

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМ ЭМАС

Замонамиз иқтисодчиларининг фикрича, ғояни амалга ошириш орқали оддий тадбиркорнинг етук бўлиб кетиши, ғоя муаллифининг катта маблағга эга бўлиши кўп жиҳатдан омад, билим ва муваффақиятга боғлиқ. Лекин бутун мамлакат аҳолисининг ҳаёт тарзини яхшилаш, камбағалликдан фаровонликка олиб чиқиш ҳақиқий қаҳрамонлик бўлади. Ҳозиргача бу ишни фақат Хитой уддалади, холос. Улар 1990 йилларгача қийин шароитда ҳаёт кечирган аҳолисига экин экиш учун ер бериш орқали одамларни иш билан таъминлашни бошлади. Дастлабки йилларда улар учун солиқ имтиёзлари берилди, кичик ишлаб чиқариш линиялари ташкил этишга имконият яратилди. Натижада бир неча йил ичида тадбиркорлар синфи шиддат билан ўсди, солиқ тушумлари каррасига ошди, камбағаллик қисқариб, ишсизликка барҳам берилди.

Бизда ҳам муҳтож аҳолига 10 сотихдан 1 гектаргача ер беріляпти-ку, нега унда бойиб кетмаяпмиз? Бойиб кетиш учун фақат экин экиб, уни хомашё сифатида сотиш эмас, маҳсулотни қайта ишлаб, бозорга чиқариш керак. Бу бозорнинг ажралмас қонуни, кимда қайта ишлаш имконияти бўлса, у шунча кўп даромад олади.

Ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши аҳолини тадбиркорликка ўргатишда муҳим омил бўлди. 1126 та маҳаллада иш бошлаган иқтисодчи ҳоким ёрдамчилари ишга лаёқатли, касб ўрганиш, тадбиркорлик, деҳқончилик қилиш истагидаги фуқароларни хатловдан ўтказди. Натижада қарийб 139 минг нафар ишсиз фуқаро турли даражадаги иш билан банд этилди, 20713 нафар тадбиркорлик истагидаги фуқарога 481,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминланди. Лекин тажрибали иқтисодчиларнинг фикрича, қарзга иш бошлаган тадбиркор фақат қарзини тўлаш ҳақида ўйлайди, холос. Бор имкониятдан фойдаланиб, керак бўлганда, банкдан кредит олмасдан, ҳаттоки, сармоядорни шерик қилган тадбиркор кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот чиқариш орқали бозорда ўз ўрнини топишга интилади. Дунё миллиардерларининг бойиш тарихига назар солсангиз, улар банкдан кредит олишдан кўра ўз компаниялари акцияларини IPO ва SPO орқали сотиш билан зарур сармоя тўплаганига гувоҳ бўламиз. Бунга электрон савдо платформаси бўлган "Алибаба" компанияси асосчиси, хитойлик Жек Мани мисол келтириш мумкин. У банкдан кредит олишдан кўра компанияси акцияларини Нью-Йорк фонд биржасида сотиш орқали миллиардерга айланган.

Иқтисодчи ҳоким ёрдамчилари ҳам хомашё етиштирувчиларни бозорга тайёр маҳсулот чиқариш, кичик корхоналарни кенгайтиришга ўргатишса, кутилган натижага тезроқ эришиш мумкин бўлади.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Зарафшон" мухбири.**

# ЁШЛАРДАН ЁЗҒИРИШГА ҲАҚЛИМИЗМИ?



**Инсон дунёга келганда аввало, унинг кимга ўхшашлиги ҳақида баҳс юритамиз. Аввалига бу баҳслар фақат-гина ташқи қиёфа атрофида бўлади, аммо бола улғайгани сари унинг феъл-атворидаги жиҳатларни кимдан "ўзлаштиргани" ҳам маълум бўла бошлайди. Ирсиятдан ўтган феъл-атвор билан бир қаторда атрофдан ўзлаштирилган жиҳатлар билан бола катта бўла бошлайди. Айнан шу – атроф-муҳитдан ўзлаштирилаётган жиҳатларни биз тарбия деб атаймиз.**

Аслида, тарбия болага панд-насиҳат қилишдангина иборат эмас. Кўпинча бу ҳам ота-онанинг акси сифатида намоён бўлади. Дейлик, сиз уйда бажараётган ишлар, бўш вақтни қай тариқа ўтказишингиз, оила аъзоларингиз билан қайси мавзуларда суҳбат қуришингиз, атрофдагиларга муносабатингиз истасак-истамасак бола онгу тафаккурида аксланиб бораверади.

Тўғриси, ёши катталарнинг ёшлардан ёзғириши ҳамиша ҳам тўғри эмас, деб ўйлайман. Биз ёшлигимизда мана бундай қилардик, дейдиган ота-онанинг оиласидаги муҳит ҳам ўшандай бўлган.

Бугун баъзи ҳолатлар ҳақида сўз юритиб, ота-оналарга, хусусан, ўзимга ҳам кўзгу тутишни истадим.

**КИМНИ ТАРБИЯ ҚИЛАЙЛИК?**

Мактабда ишлайдиган, у хоҳ қишлоқ, хоҳ шаҳар мактаби бўлсин, ўқитувчи билан суҳбатлашиб қолсангиз, унинг "дард"ларига беихтиёр шерик бўла бошлайсиз. Йўқ, ўқитувчи боланинг тарбияси-ю китоб ўқимаслигидан эмас, ота-онадан кўпроқ норози бўлади.

- "Икки" баҳо қўйишингиз билан менинг боламни камситасиз, нима ҳақингиз бор икки қўйишга, деб онаси югуриб келади, - дея гапириб беради шундай ўқитувчилардан бири. Тўғри, бу ота-оналарнинг мактабга келиб туришлари учун ҳам асос бўлаётгани бир томондан қувонарли. Лекин иккинчи томондан қарасангиз, болага меҳр бериб, таълим бераётган ўқитувчининг шашти синиб қолишига олиб келади. Тушунинг, бир ўқитувчи синфдаги 40 нафар болага бирдай меҳр беролмайди, бунинг иложи йўқ. Қолаверса, ота-она билан ўқитувчилар ўртасидаги бундай катта жарлик фақатгина бола тарбиясига зиён қилади. Унда манманлик, нафақат ўқитувчига, балки кейинчалик ўз яқинларига нисбатан ҳам беписанд, талабкашлик хислати кучаяди. Яъни, кези келганда ҳатто баҳосини ҳам жанжал қилиб яхшилатишга кўниккан бола келажакда ҳам худди шу йўл билан каттароқ мақсадларни талаб қила бошлайди. Шунинг ўзи тарбияда кескин бир ўпирилишни юзага келтиради.

**АМАЛЛАР ТАЛАБЛАРГА МОС КЕЛМАГАНДА...**

Дарвоқе, талаб ҳақида. Яқинда Ўзбекистондан Беларусга ўқишга кетган бир гуруҳ талабалар билан суҳбатлашиб қолдим. Тўғриси, уларнинг баъзи фикрларини эшитиб, олий таълим муассасасида ўқийдиган болаларнинг бошқа давлатда ўзларини тутишлари нақадар аянчли эканидан, гарчи, 20 ёшдан ошса-да, оддий қоидаларга амал қилмаслиги, тўғрироғи, шу кўникманинг йўқлиги учун ҳамон назоратга муҳтож эканлигини ҳис қилдим.

- Беларусдаги институт ректори доим ўзбекистонлик талабалар билан учрашиб, фикрларини билиб туришга ҳаракат қиларди, - дея гапириб беради шу талабалардан бири. - Билим олиш, яшаш билан боғлиқ масалаларда муаммо йўқ эди. Қолаверса, ҳаммаси ҳақида у ерга боришдан олдин огоҳлантирилгандик. Афсуски, қайси давлатга кетаётганимизни, қайси тилда таълим олишимизни билиб ҳам кўпгина талабалар "Биз рус тилида ўзлаштиришга қийналяпмиз", дея шикоят қилишди аввалига. Институт ректори гарчи, бу ваколатига кирмаса-да (сабаби, ўқишга қабул қилинишидан олдин талабалар рус тилини яхши билиши асосий шартлардан бири эди), рус тилини чуқурроқ ўргатиш бўйича бепул курс ташкил қилиб берди. Лекин бу курсга борувчилар сони шикоят қилганлардан кўра озчиликни ташкил қилди.

Кейинги учрашувда талабалар жума намози ўқиймиз, дея дарс жадвалини ўзгартиришни талаб қилди. Бу шикоят ҳам эътиборга олиниб, ушбу кунда дарс жадвали ўзгартирилди. Лекин буни қарангки, ўқишга истаги бўлмаган, фақат талаб қўйиш керак, деб ҳисоблайдиган талабалар ҳар сафар яна нималарнидир айтишга ҳаракат қиларди. Шундай йиғилишлардан бирида факультет деканининг чиқиши бизни жуда таъсирлантирди. "Ҳурматли талабалар, тўғри, сизларнинг фикрларингиз биз учун муҳим. Лекин баъзи талабларингиз хатти-ҳаракатларингизга мос келмаётгани бизни ташвишга соляпти. Сиз жума намозига бораман, деб айтяпсиз, аммо шу талабни қўйган талабалар ётоқхонада спиртли ичимлик ичиб, деразаларни синдирди. Бир нечта ўзбекистонлик талабалар автомобилни ижарага олиш қоидаларини кескин бузди, бир неча автоҳалокатлар содир бўлди. Баъзи талабалар жиддий қоидабузарлиги учун ўз мамлакатингизга қайтарилди. Биз талабларингиз хатти-ҳаракатларингизга мос келишини истаймиз", деди у.

Тўғриси, деканимизнинг шу чиқишидан шахсан жуда уялдим.

**ИНСТИТУТ ТАРБИЯЧИ ЭМАС**

Бу талаба бироз эҳтиросга берилган, хорижда тенгдошларининг хатти-ҳаракатларидан уялган ҳолда бу фикрларни билдиргандир. Унинг фактлиги рост. Шунда бугун бежиз юртимизда олий таълим муассасаларида ота-оналар йиғилиши ўтказилмаётган экан-да, деган фикрга бордим. Нафақат ҳали мустақил фикрлаш, балки ҳаракат қилишда ҳатто, 20 ёшлилар ҳам назоратга муҳтож эканлиги кишини ташвишга солади. Бу энди мактабларга ўхшаб институтлар ҳам тарбия билан шуғулланишга кўпроқ эътибор қаратишга мажбур бўлаётганини билдиради.

Ваҳоланки, уйидан узоқда таҳсил олаётган талаба фарзандининг қандай яшаётгани, нима билан машғуллигини билиб туриш ота-онанинг вазифаси. Бунинг учун институт уларни чақириши шарт эмас. Қолаверса, талабани бу ёшда тарбия қилишнинг фойдаси йўқ, у оиласидан оладиганини олиб бўлган, фақат тарбия бобида маълум бир йўналишларни бериш мумкин, холос.

Таҳририятимиз атрофида талабаларни ижарага қўядиган хонадонлар кўп. Улар билан суҳбатлашсангиз, кўпи ёзғириб қолади.

"Оддий гигиена қоидаларига риоя қилмайди талабалар. Китоб ўқиганини кўрмайман... Кўпчилигининг ота-онаси бир мартаям хабар олмаганидан ҳайрон қоламан. Наҳотки, фарзанди қандай шароитда, кимлар билан яшаётгани билан қизиқмаса!".

**БИЗНИНГ АКСИМИЗ**

Хулоса чиқаришга шошилманг, юқорида айтганимдай, ёшлардан ёзғираётганим йўқ. Улар ўзимизнинг аксимиз экан, демак, биринчи навбатда, ўзимизни ислоҳ қилишимиз кераклигини айтмоқчиман, холос.

**Гулруҳ МЎМИНОВА, "Зарафшон" мухбири.**

Президент қарорига кўра

## Шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилади



**Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 5 августдаги "Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида ҳар йили тизимли равишда шахмат бўйича турнирлар ташкил этилади.**

Хусусан, вилоятимизда ҳам ёшлар ўртасида "Рокировка" турнири, кекса авлод вакиллари ўртасида "Нуронийлар кубоги", ногиронлиги бўлган шахматчилар ўртасида "Чексиз имкон турнири", 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган, 50 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот фондига эга "Women's Chess Championship" халқаро турнири ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар шахматчилари ўртасида анъанавий "Uzbekistan Chess Open" халқаро турнирлари ўказилади.

Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жамоат жойлари ва истироҳат боғларида креатив кўргазмали услублардан фойдаланган ҳолда шахмат майдончалари ташкил этилади.

Ҳозирги кунда вилоятда 2500 нафар спортчи шахмат билан шуғулланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида шахматчиларимиз томонидан республика мусобақаларида 7 та олтин, 6 та кумуш, 6 та бронза, халқаро турнирларда 4 та олтин медаль қўлга киритилган.

**Аҳрор ШАМСИЕВ, вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи.**

Спорт маликалари

**Шоҳида Аҳмедова 2001 йилда Оқдарё туманида туғилган. 2014 йилдан буён спортнинг эркин кураш тури билан шуғулланиб келади. Фаолияти давомида Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва халқаро турнирлар совриндори бўлган.**

## Шоҳида Аҳмедова: Мақсадим олимпиада чемпиони бўлиш



- 2002 йилдан бошлаб эркин кураш билан шуғулланаман, - дейди Шоҳиданинг устози Саломат Кўчимова. – Бир неча марта Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори, халқаро олимпиададалар иштирокчиси бўлганман. Фаолиятим давомида ўрганганларимни 8 йилдан буён Шоҳидага ва бошқа шогирдларимга ўргатиб келяпман. Ҳар бир спортчи машғулотда кўп куч йўқотади. Чунки меҳнатсиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Машғулот жараёнида энг кўп меҳнат қилган спортчи мусобақада албатта, ютади. Шогирдларимга буни кўп уқтираман. Шоҳида ёш бўлишига қарамай, меҳнаткаш ва интилувчан, ўз устида ишлашни ёқтиради ва машғулотларда кам хато қилади. У доим олимпиада ва жаҳон чемпиони бўлмагунимча шуғулланаман, мақсадим йўлида ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди, дейди.

Шоҳида Аҳмедова ҳозир мусобақаларга тайёргарлик кўряпти.

- 2015 йилда тренерим Саломат Кўчимова қўл остида илк марта Ўзбекистон чемпиони бўлганман, - дейди Шоҳида. – Шундан сўнг терма жамоага қабул қилиндим ва Адҳам Очилов мураббийлигида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида, Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида ўтказилган III ёзги ўсмирлар олимпия ўйинларида кумуш ҳамда ўтган йил Токио олимпиадасида бронза медални қўлга киритдим. Яқинда Ислом бирдамлиги ўйинларида ҳам кумуш медаль насиб этди. Мақсадим – олимпиада ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш. Бунинг учун астойдил ҳаракат қиляпман. Яқинда машғулотлар тугайди ва Сербияда ўтказиладиган мусобақада иштирок этаман. Кейин Париж-2024 олимпиадасида чемпионликни қўлга киритишни мақсад қилганман.

**Ф.РЎЗИБОЕВ.**

# Қариндош-уруғчиликдан воз кеча оламизми?

Яқинда бир синфдош дўстим билан учрашиб қолдим.

- Мактабга вакант ўринга директордан иш сўраб бордим, - деди у. – Директор очиқчасига "Бу жойга жиянимни ишга оламан", деди. Жияни 15 йилдан бери ўқитувчи бўлса-да, мутахассис малакасига эга. Мен биринчи тоифали ўқитувчиман.

Дўстим ушбу ноҳақлик ҳақида юқори ташкилотга арз қилиб борибди. Уларнинг айтишича, мактаб директори кимни ишга олишни ўзи ҳал этар экан. Юқори ташкилотдагилар мактаб директорининг фаолиятига аралашмас эмиш. Хуллас, директор барибир қариндош-уруғчилик қилиб, вакант жойга малака тоифаси йўқ жиянини ишга олибди.

Тўғриси, бизда баъзи давлат ташкилотларида қариндош-уруғчилик чуқур илдиз отиб кетган. Бир танишим узоқ йиллардан буён қурилиш соҳасини назорат қилувчи давлат ташкилотида фаолият юритиб келар эди.

– Ташкилотга янги бошлиқ тайинлангач, ишлаб турган мутахассисларни турли баҳоналар билан ишдан бўшатиб, уларнинг ўрнига қишлоқдошлари ва қариндошларини ишга ола бошлади, - деди у.



- Шундай қилиб, мен ҳам ишдан бўшатилдим. Икки ўғлим тўлов-контракт асосида институтда ўқийди. Катта қизимни турмушга беришим керак. Ҳозир ишга тикланаман деб судма-суд югуриб юрибман. Кўп асабийлашганимдан соғлиғим ёмонлашиб, қон босимим кўтарилиб кетяпти.

Тарихдан маълумки, ривожланган давлатларнинг барчаси миллатчилик, ирқчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлардан халос бўлгач, иқтисоди бақувват мамлакатга айланган.

Биз ҳам бу иллатларга қарши курашмас эканмиз, Америка, Европага ҳавас қилиб яшайверамиз. Иллатлар эса узоқ йиллар бизни ўз ботқоғида муқим ушлаб тураверади.

Дарвоқе, яқинда қабул қилинган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида қариндошларнинг бир давлат ташкилотида бир-бирига бўйсуниб ишлаши таъқиқланди. Қонун кучга кирса, кўплаб ташкилотларда қариндош-уруғчиликка барҳам берилармикан?..

**Неъмат АСҚАРОВ, Паст Дарғом туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.**

MATBUOT UYI
Zarafshon
Самаркандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 420 nusxada chop etildi. Buyurtma 613. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: S.MARDIYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o‘tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda